

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ ФАОЛИЯТИ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ МОТИВАЦИЯСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

**¹Жуманова Насиба Шербаевна Умумий психология кафедраси катта
ўқитувчиси.**

**²Хамидова Маъмурда Абдуғаффор кизи Педагогика ва психология
йўналиши 2-босқич магистри**

АННОТАЦИЯ: Мақоланинг асосий ғояси бўлажак ўқитувчидаги касбий мотивацияни шакллантиришнинг долзарб муаммо эканлигига қаратилган. Касбий мотивацияни шаклланишида мотив ва ўқув фаолияти мотивацияси манбаларининг аҳамияти илмий жиҳатдан асосланган. Касбий мотивациянинг шаклланишида талабаларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш муҳимлиги хусусида ҳам сўз юритилади.

Калит сўзлар: мотив, мотивация, шахс қадрияти, касбий фаолият, ижодкорлик, когнитив, метод, технология, восита, рефлексив.

Мактаб таълими бугунги кунда шахс тарбиясининг энг муҳим босқичини ифодалаб, у шахснинг индивидуал муваффақияти, шунингдек, бутун мамлакатнинг узоқ муддатли ривожланиши учун ҳам ҳал қилувчи омиллардан биридир. Инчуни, таълим муассасаларини қийнаб келаётган муаммоларнинг асосини ўқувчиларнинг муайян қисмida бўлсада, ўқув фаолиятига нисбатан мотивларнинг бошқа бир қондирилмаган эҳтиёжлар, қизиқишилар натижасида юзага келган, ўқув фаолиятидан узоклашган мотивларга алмашинаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бунга асосий сабаб сифатида келтириш мумкинки, таълим жараёнида педагоглар томонидан ўқувчиларни ўқув фаолиятига тўғри йўналтира олинмаётганлиги, шунингдек, ўқувчиларнинг ўз олдига аниқ мақсадларни қўйишига нисбатан интилишларни етарли даражада шаклланмаганлиги билан тавсифланади. Айниқса, бу ўқитувчиларнинг таълим-тарбия жараёнини тўғри ва оқилона бошқаришда камчиликларга йўл қўйишида юзага чиқади. Ўқув мотивациясини шакллантириш педагогик жараённинг муаммоли табиатини аниqlаш ва уни

амалга ошириш технологиясини кўллаш билан тавсифланади. Ушбу муаммо нафақат илмий тушунчаларда мазмунан тўлиқ таҳлили ёритилмаганлиги, балки умумий таълим муассасаларида ижобий барқарор ўқув мотивацияни шакллантиришга ёрдам берадиган моделлар ва дастурларнинг етарли даражада ишлаб чиқилмагани билан ҳам характерлидир. Касбий мотивация талабаларни касбий-дидактик билим, кўникма ва малакаларни етарли даражада ўзлаштиришларига турки беради. Бўлажак ўқитувчида касбий мотивацияни шакллантириш таълим жараёнида инновацион ғояларни яратиш ва самарали равища ташкил этиш ҳамда педагогик изланувчанликни амалга оширишни кафолатлайди. Бугунги кунда замонавий ўқитувчига жамият томонидан педагогик психология, ижтимоий психология, педагогика, ёш физиологияси ҳамда гигиенадан чуқур билимларга эга бўлиши талаб этилади. Чунки, таълим соҳасига оид мукаммал билимга эга бўлиш болаларни мактаб таълимига тайёрлашдаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўқитувчи ўз касби, соҳаси бўйича жаҳон фанида эришилган янги ютуқ ва камчиликлар, ривожланган давлатлар тажрибасидан хабардор бўлишлари лозим. Бўлажак ўқитувчи таълим ва тарбия методикасини эгаллашлари, болаларнинг ёш хусусиятларини билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиш, педагогик техника (мантиқ, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлиши, ўз билими ва педагогик маҳоратини доимий равища ошириб бориш малакасига ҳам эга бўлишлари зарур. Бўлажак ўқитувчини педагогик фаолиятга тайёрлашда ўқув фаолияти мотивацияси асосий омил ҳисобланади. Ўқув фаолияти мотивацияси ҳаракатлантирувчи куч бўлиб, талабаларни билим, кўникма ва малакаларни фаол ўзлаштиришга йўналтирувчи жараёндир. Ўқув фаолияти мотивациясининг манбалари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагилар киради: 1. Ички манбалар. Улар инсоний түгма ёки орттирилган эҳтиёжлари билан белгиланади. Орттирилган эҳтиёжлар фаолликка ундейди ҳамда гностик ва ижтимоий ижобий эҳтиёжлар ҳисобланади. 2. Ташқи манбалар. Улар

шахснинг ижтимоий шарт-шароитлари билан белгиланади. Турли хил таълимий вазиятлар ва жамиятни шахсдан талаб қиладиган доимий хулқатвори билдиради. 3. Шахсий манбалар. Шахснинг қадриятлари системаси установкалари ғояларидир. Бу манбалар ҳар бир шахс фаолиятида у ёки бу даражада мавжуд. Уларнинг барчаси фаолиятга таъсир этиб таълим жараёнининг мотивациясини ташкил этади. Шахснинг ички қониқиши, ўзини тан олиш, муваффақиятларга эришиши билан намоён бўлади.

Агарда аниқ мақсад ва натижалар белгиланган бўлса, мотивация манбалари ўқув фаолиятига ижобий муносабатни пайдо қиласи. Тадқиқот даврида бўлажак ўқитувчида касбий мотивация ўқув фаолияти жараёнларида ривожлантирилди. Бўлажак ўқитувчида касбий мотивация шаклланиши натижасида касбий компетенция ҳам ривожланади. Улар ўртасидаги ўзаро боғликлекни таъминлаш учун олий таълим жараёнида бўлажак тарбиячида ўз фаолиятини муваффақиятли бўлишига юкори даражада ишонч мотивацияни ошириш лозим. Шунингдек, талабаларда шахсий муваффақиятга эришишга ҳаракат қилиш ва маъсулиятни ўз қўлига олиш қўникмасини ҳам тарбиялаб бориш зарур. Талабаларда касбий мотивация турли мотивлар негизида шаклланади. Касбий соҳага оид мотивлар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- таълим соҳаси бўйича билим олишга интилиш; педагогик фаолиятида муваффақиятга эришиш йўлларини пухта эгаллаш;
- педагогик маҳорат ва этикага эга бўлиш. Мазкур компонентлар касбий фаолиятни ташкил этишининг асоси ҳисобланади. Буларнинг барчаси талабаларнинг касбга қизиқиши билан боғлиқ бўлиб, ўз олдига қўйган мақсадга эришишда ютуқларни эгаллаш ва касбий фаолиятида ижод қилишга интилишни таъминлайди. Шахсий мотивлар талабаларда касбий фаолиятида ўз ўрнига эга бўлиш ва ўзини тарбиячилик касбига бағишлишга ундейди. Талабалар жамоада ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш, ташқилотчилик ва раҳбарлик қилиш қобилияти, шахсий ҳаттиҳаракатларини намоён этишга ҳаракат қиласидилар. Шунингдек танлаган касбига қизиқиши ортади, интеллектуал

жиҳатдан дунёқараш кенгаяди, ижодий фаолият юритишга ҳаракат қилади. Шахсий мотивлар ўқув фаолияти мазмуни билан бевосита боғлиқ бўлади. Талабаларни фаол ўқишга йўналтиради. Амалий мотивлар иш ҳаракатда намоён бўлади, талабалар ўз билими ва тажрибасига таяниб амалий машғулотда эртак ва ҳикояларни саҳналаштирирадилар. Натижада турли ҳаётий вазиятлар, педагогик фаолиятида дуч келадиган муаммоларни ҳал этиш кўникма ва малакалари шаклланади. Талабалар педагогик амалиётда ўқитувчилик касбига оид муҳим жиҳатларни ўзлаштирадилар. Бундан ташқари ижтимоий мотивлар ҳам мавжуд бўлиб, талабаларни олий маълумотли шахс сифатида жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш, ижтимоий тан олиниш, жамият равнақи учун ҳисса қўшиш, фуқаролик бурчини ҳис этишга ундейди. Олий таълим жараёнида касбий мотивацияни шаклланишида ўқутарбиявий жараёнда турли метод, технология ва воситаларни самарали қўлланилиши талабаларда фаолликни уйғотади, амалий кўникмаларни эгаллашларига ёрдам беради. Бугунги кунда замонавий педагогларга жамият томонидан қўйиладиган талаблардан энг муҳими ҳам болаларни мактаб таълимига самарали тайёрлашдир. Бунинг учун бўлажак ўқитувчидаги шахсий ва касбий компетенция етарли даражада шаклланган бўлиши лозим. Касбий мотивация касбий компетенцияни шаклланишига замин яратади. Касбий эҳтиёж талабаларни танлаган касбига бўлган қизиқишини оширади. Когнитив фаолият эса таълимга оид назарий-методологик билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга йўналтиради. Рефлексив фаолият ўз-ўзини ва касбий имкониятларини таҳлил қилиш ҳамда такомиллаштиришга ҳаракат қилишга ундейди. Мазкур омиллар таъсирида бўлажак ўқитувчидаги маънавий сифатлар ҳамда умуминсоний қадриятлар, болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ўз Ватани ва оиласига бўлган муҳаббат шаклланади. Шунингдек, таълимга оид пухта билимга эга бўлиш талаб этилади. Умумий ўрта таълим соҳасига оид мустаҳкам билимга эга бўлиш болаларни мактаб таълимига тайёрлашдаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бўлажак

тарбиячидан ўз касби ва соҳаси бўйича жаҳон фанида эришилган сўнгги ютуқлар ривожланган давлатлар тажрибасидан хабардор бўлиш тақозо этилади. Ф.Хайдаров, Х.Абдукаримов каби педагог олимларнинг фикрича “касбни тўғри танлашга хос етакчи мотивларни аниқлаш муҳим. Етакчи мотивлар сирасига севимли ўқитувчисига тақлид қилиш; касбий-мутахассислик йўналишидаги фанларга қизиқиш; касбнинг ижтимоий моҳиятини англаб этиш; касбга хосамалий кўникмалар ва хулқ-атворнинг шаклланиши; ўзига хос касбий педагогик маҳоратнинг шаклланиши; касбий ўз-ўзини тарбиялашга бўлган талабчанликнинг ортиб бориши; касбига хос билим ва қобилияtlарнинг ривожланиб бориши; касбий изланиш ва ижодкорликка хос фаолликнинг ортиб бориши; таҳлил ва ўз-ўзини таҳлил этиш ҳамда ўзининг касбий фаолиятига баҳо бериб бориш; касбий-педагогик фаолиятга оид синовларга шайлик ҳиссининг пайдо бўлиши ва х.к.лар киради”

ХУЛОСА. Юқорида келтирилган фикрлар асосида хulosалайдиган бўлсак бўлажак ўқитувчида касбий мотивациянинг шаклланиши таълимни сифатли ташкил этиш, талабаларда танлаган касби моҳиятини чуқур англашларига боғлиқ деган фикрни тасдиқлайди. Бўлажак ўқитувчи таълим ва тарбия методикасини эгаллашлари, болаларнинг ёш хусусиятларини билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиш, педагогик техника (мантиқ, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактга эга бўлишлари, ўз билими ва тажрибаларини доимий равишда ошириб боришлари лозим.

Адабиётлар:

1. Jumanova, Nasiba Sherbayevna, & Abduvaliyeva, Nilufar Ne'Matulla Qizi (2022). O'SMIRLARDA SALBIY XULQ-ATVOR NAMOYON BO'LISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 625-629.
- 2.Jumanova, N., & Vahobova, M. (2022). KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARNING AQLIY QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISHNING

- PSIXOLOGIK JIHATLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/58614>.
- 3.Jumanova, N., & Abirqulova, S. (2022). O'SMIRLIK DAVRIDA AGRESSIV HOLATLAR RIVOJLANISHINING PSIXOLOGIK JIHATLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/59115>
- 4.Jumanova, Nasiba Sherbayevna, & Abduvaliyeva, Nilufar Ne'Matulla Qizi (2022). O'SMIRLARDA SALBIY XULQ-ATVOR NAMOYON BO'LISHINING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2 (2), 625-629.
5. Obidova, D., & Nasiba, J. ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF HEALTH CARE INSTITUTIONS: PROSPECTS FOR THE APPLICATION OF PSYCHOLOGICAL KNOWLEDGE.
6. Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(2).
- 7.Жуманова, Н. Ш., Тошпулатова, Н. Х., & Комилова, А. С. (2016). Развитие инновационных систем в образовании. Молодой ученый, (4), 777-778.
- 8.Jumanova, N., & Abduvalieva, N. A. (2022). BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KASBIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISH. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5107>
- 9.Sherboevna, N. J. (2020). THE USE OF INTEGRATED TECHNOLOGIES IN THE CULTIVATION OF CHILDREN'S SPEECH IN PRESCHOOL EDUCATION. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 8(2).

- 10.Атамуродова, Р. К., Жуманова, Н. Ш., & Алимкулов, С. О. У. (2016). Взгляды учёных средневековья о душе человека. Проблемы педагогики, (8 (19)).
- 11.Nasiba Jumanova, ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ АКТИВАЦИИ, УСКОРЕНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ , Журнал Педагогики и психологии в современном образовании: Том 1 № 1 (2021): Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari
- 12.Jumanova, N. (2021). ПРОФИЛАКТИКА ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ДЕФЕКТОВ В РАЗВИТИИ ЛИЧНОСТИ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1365>
- 13.Jumanova, N. (2021). ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРОБУЖДЕНИЯ БОЛЬШОЙ ГРУППЫ ДЕТЕЙ ЛЮБОВЬ К ЛИТЕРАТУРЕ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1366>
- 14.KUSHVAKTOV, N., & ISOKULOV, M. The Role of a Creative Approach to the Lesson in Educating High School Students in the Spirit of Enlightenment Against Ignorance. *JournalNX*, 6(12), 18-21.
- 15.Ҳасанбоев ЖХ, Т. X., Равшанов, О. А., & Кушвактов, Н. X. (2007). Миллий педагогикамиз тарихий илдизларивабаркамолавлодтарбияси. *Жиззах*, 116, 18-19.
- 16.Kushvaktov, N. X. (2006). Pedagogical and computer bases of study and preparation of students of national-spiritual values.
- 17.Husanovich, K. N. (2023). TECHNOLOGY OF DEVELOPING SPIRITUAL CULTURE OF FUTURE TEACHERS. *JournalofModernEducationalAchievements*, 2(1), 64-69.
- 18.Komilova, A., & Adilova, M. (2023). АГРЕССИЯ - РАЗВИТИЕ АГЕНТНОСТИ У ПОДРОСТКОВ КАК ЭФФЕКТИВНОЕ ЯВЛЕНИЕ.

- Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(1). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8256>
19. Husanovich, K. N. (2023). PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF AN SELFLESS PERSON. *Journal of marketing, business and management*, 1(10), 10-13.
20. Усманов, Н. У., & Кушвактов, Н. Х. (2009). Научно-методическое обеспечение формирования основ здорового образа жизни у студенческой молодёжи. *Известия Самарского научного центра Российской академии наук*, 11(4-6), 1458-1462.
21. Komilova, A., Husenova, M., & Xidirova, M. (2023). O'SMIR YOSHIDAGI O'QUVCHILARNI KASB HUNARGA YO'NALTIRISHNING ASOSIY XUSUSIYATLARI. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 3(1). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8257>
22. Sunatullaevna, K. A., & Axmedovich, R. O. (2022). Internet is a depression. The benefits and harms of cyberspace on the human psyche. *Eurasian Scientific Herald*, 5, 69-73.
23. Комилова, А. С., & Равшанов, О. А. (2022). TALABALARDA O'ZIGA BO'LGAN ISHONCH VA PSIXOLOGIK MADANIYATNI OSHIRISH: Komilova Aziza Sunatullaevna, *Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал*, (4), 267-270.
24. Тошпулатова, Н. Х., & Комилова, А. С. (2016). Психолого-педагогическая работа по организации самовоспитания подростков. *Молодой ученый*, (10), 1306-1308.
25. Комилова, А. (2021). Роль родителей в подготовке молодежи к семейной жизни. *Общество и инновации*, 2(10/S), 437-441.
26. Жуманова, Н. Ш., Тошпулатова, Н. Х., & Комилова, А. С. (2016). Развитие инновационных систем в образовании. *Молодой ученый*, (4), 777-778.

- 27.Алимкулов, С. О. У., Мелибоев, А. Р., Комилова, А. С., & Туракулов, Л. Т. (2016). Решение разных проблем в образовании с помощью 3D-технологии. *Проблемы педагогики*, (12 (23)), 12-13.
- 28.Sunatullaevna, K. A. (2022). KITOBOXONLIK MADANIYATINI SHAKLLANTIRISH. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 518-521.
- 29.Sunatullaevna, K. A., & Qudratovna, N. F. (2022). INTERFAOL METODLARNI QO'LLASHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. *International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research*, 521-525.